

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
”Янгикургон тумани тиббиёт  
бирлашмаси”



Л.Ахмедова

«10» «Апрел» 2022 й

## **БУЮРТМАЧИ:**

**« Янгикургон тумани тиббиёт бирлашмаси»**

Янгикургон тумани тиббиёт бирлашмасига карашли  
Бегобод МФЙ жойлашган ОШП биносини жорий  
таъмирлаш ишлари

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Наманган шаҳри -2022

## **Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

### **I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

#### **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

#### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.1. Янгиқурғон тумани тиббиёт бирлашмасига карашли Бегобод МФЙ жойлашган ОШП биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати – **59 769739 (Эллик тўққиз миллион етти юз олтмиш тўққиз минг етти юз ўттиз тўққиз)** сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун.

1.4. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

#### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. “Янгиқурғон тумани тиббиёт бирлашмаси” (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 91511, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Янгиқурғон тумани, А.Қўчқаров кўча,

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Янгиқурғон тумани тиббиёт бирлашмаси” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга байрам тадбирлар харажатлари ва совгалари билан таъминлаш бўйича малакали хизмат кўрсатиш бўйича белгиланган юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар ўзининг низоми ва лицензия асосида тақдим этган холда иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

- Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва Гувоҳномадан, Таъсисчи ва раҳбарнинг Паспорт нусхалари).

- Танловда қатнашиш кунда Давлат солиқ инспекциясидан солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

- Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги икки йиллик иш тажрибаси.

- Банк кафилиги бўлсин.

- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

- Танлов иштирокчисининг ишлари бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.

- Объектнинг жамланма жадвали, объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, объект курилишининг шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.



## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Кабул қилувчи ташкилот	Янгиқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси
2	Буюртмачи	Янгиқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси
3	Буюртма учун асос	Нуксон далолатнома, Лойиха сметва ва экспертиза хлосаси
4	Объектнинг жойлашган манзили	Янгиқўрғон тумани Бегабод МФЙ
5	Катнашувчи учун талаблар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва Гувоҳномадан, Таъсисчи ва раҳбарнинг Паспорт нусхалари).</li> <li>- Танловда катнашиш кунда Давлат солиқ инспекциясидан солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.</li> <li>- Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги икки йиллик иш тажрибаси.</li> <li>- Банк кафилиги бўлсин.</li> <li>- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.</li> <li>- Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.</li> <li>- Объектнинг жамланма жадвали, объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, объект қурилишининг шартномавий нарҳини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нарҳлари.</li> </ul>
6	Товар (иш хизмат маҳсулот) номи ва миқдори	Янгиқўрғон тумани тиббиёт бирлашмасига қаршли Бегабод МФЙ жойлашган ОШП биносини жорий таъмирлаш
7	Иш тури	Жорий таъмирлаш
8	Хизматларни бажариш муддати	Шартномаларни имзолаган кундан бошлаб 15 кун муддатда
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Хизматларни бажариш жараёнида ёнгин, саноат ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиниши шарт.
10	Молияташтириш манбаи	Янгиқўрғон тумани тиббиёт бирлашмасининг бюджетдан ташқари жамғармасидан маблағлари ҳисобидан.

Бош ҳисобчи:

Иқтисодчи:

Қурилиш ишлари бўйича мутахасис:

Ҳисобчи:

Қ.Долиев

М.Бозоров

М.Абдуразақов

М.Бултиров